



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№8 (90) 20.02.2020 йил

Матбуот анжумани

Моддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш олий бурчдир

19 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Маданият вазирилик ташаббуси билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган ушбу брифингда Маданият вазири ўринбосари Камола Акилова, Ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Мавлуда Аскархўжаева, Маданий мерос департаменти бошлиғи ўринбосари Ҳасан Холмуродов ва Тошкент шаҳар маданий мерос бошқармаси бошлиғи Фарҳод Мирхўжаевлар иштирок этди.

Унда Маданий мерос департаменти томонидан амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар ҳақида маълумотлар берилди.

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳнамолиги остида обидаларимиз тарихий кўринишини тиклаш ва уларни асраш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан маданий меросга оид 4 та халқаро конвенция ратификация қилинган бўлиб, халқаро меъёрларга мос соҳани тартибга солувчи 10 дан ортиқ алоҳида қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинган.

Матбуот анжуманида вазири ўринбосари буюк тарихга эга Хива, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани, уларнинг бор жозибасини келажак авлодга етказиш масъулиятли бурч эканини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, К.Акилова Маданий мерос илмий

тадқиқот институтини қайта тиклаш, консервация ва реставрация ишларига хорижий мутахассисларни тақлиф этиш, маданий мерос объектларига ажратилган маблағлар сарфида шафқатли таъминлаш, замонавий шаҳарлар ривож тарихийларига салбий таъсир қилмаслиги борасида сўзлади. Қолаверса, "Шаҳр тароналари" фестивалидаги муסיқаларнинг кучли акустикаси у ердаги тарихий, моддий ёдгорликлар кошнинга етказиши мумкин бўлган зарари, ёшлар онгида маданий меросларга ҳурмат, қадр-қиммат тушунчаларини уйғотиш, реставраторлик соҳасида устоз-шогирд анъаналарини қайта тиклаш ва бунга эътиборни кучайтириш, янги ўқув йилидан Архитектура институтида мазкур йўналишнинг очилгани тўғрисида гапирди.

Бундан ташқари, матбуот анжуманига таъриф буюрган ОАВ вакиллари маданий мерос бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан аниқ маълумотлар тақдим этдилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 19 декабрдаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" қарорларига мувофиқ,

Маданият вазириликнинг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бoш бошқармаси ҳамда унинг минтақаларо (минтақавий) давлат инспекциялари негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилди.

Бу соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш борасидаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Департамент бошлиғи, Маданият вазири томонидан ҳудудий бошқарма бошлиқлари тайинланди.

Департамент қошида тарих, меъморчилик, моддий маданий мерос соҳасида илмий, амалий тажрибага эга 11 нафар олим ва юқори малакали мутахассислардан иборат Илмий-эксперт кенгаши таркиби шакллантирилди. 2019 йил мобайнида 200 га яқин фуқаро ҳамда юридик шахслар мурожаати кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 265-сон қарори билан тасдиқланган 7-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг Маданий мерос жамғармаси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Сармишсой", "Шаҳрисабз", "Термизий" ва "Қўқон" давлат музей-қўриқоналари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 2019 йил 30 майдаги қарори қабул қилинди.

Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда

Сиз бунга нима дейсиз?

Ёхуд баъзи бировларда маданият қачон шаклланади?!



2-саҳифада

Юксак шарафга лойиқ кўрилганлар



3-саҳифада

"Баҳор"нинг баҳори қайтмоқда



7-саҳифада

Замон ўзгарди, одамлар ҳам, лекин...

7-саҳифада

Ҳинд аҳлини мафтун этаётган ўзбек санъати



8-саҳифада

Донорлар сузлайди...

Санъат яхшини ёмондан ажратишга ёрдамлашадиган воситалардан бири. (Л.Н.Толстой)

Санъат фақат ахлоқни ифодалаганидagina аҳамиятлидир. (Ж.Кокто)

Санъат яхши кишиларни яратади, киши қалбини шакллантиради. (К.Г.Паустовский)



Давоми. Боши 1-саҳифада

Моддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш олий бурчдир

Президентимизнинг 2018 йил 16 январдаги "Моддий маданий ва археология мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тақомиллаштириш тўғрисида"ги фармойиши асосида, юртимиздаги мавжуд моддий маданий мерос объектларини қайта хатловдан ўтказиш топшириги бўйича Ўзбекистон Республикаси Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг миллий рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 846-қарори билан тасдиқланди. Бугунги кунда моддий маданий мерос кўчмас мулк объектлари сони 8208 тани ташкил этган бўлиб, уларнинг 4748 таси минг йиллик тарихий аҳамиятга эга археология ёдгорликларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан моддий маданий мерос объектларини тарихий, илмий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган кўчмас мулк объектларини аниқлаш ва уларни давлат муҳофазасига олиш мақсадида:

Давлат кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ишларини хатлов натижаларига кўра, 8208 та маданий мерос объектларининг 91 фоиз кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди (9 фоиз кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмади. Чунки, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳамда Самарқанд вилоятлари бўйича ишлар тўлиқ якунига етказилмади). Ушбу қарор юзасидан 2292 та моддий маданий мерос объектларига муҳофаза белгилари, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида, 1088 та йўл кўрсаткичлари ўрнатилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан ҳамкорликда қўшма қарор имзоланиб, моддий маданий мерос объектларига 2563 та жамоатчи инспекторлар бириктирилди.

Давлат раҳбарининг вилоятларга ташрифи чоғида берган топшириқлари асосида юртимизда яшаб ўтган буюк алломалар ва уламоларнинг, яъни Абу Муин Ан-Насафий, ҳадис илми билимдонлари Имом ал-Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Сулаймон ҳаким ота Боқироний мажмуалари ҳамда "Ётти пир" зиёратгоҳларини таъмирлаш-тиклаш, шунингдек, бир қанча муқаддас қадимжоларни обод қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 2019 йил якунига кўра, юртимизга қарийб 6,5 миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф бурди.

Бу соҳадаги юқори натижалар сўнгги 3 йилда моддий маданий меросларимизга эгибор кучайганидан далолат беради.

Масалан, 2016 йилда республика бюджети ҳисобидан 77 та моддий маданий мерос объектларига 47,5 млн., 2017 йилда 44 тасига 28,8 млн., 2018 йилда 77 тасига 47,5 млн., 2019 йилда 79 тасига 58,125 млн. сўм пул маблағлари ажратилиб, таъмирлаш-тиклаш ишлари оlib борилди. 2020 йилда эса 100 та объектга пул маблағлари ажратилиш мўлжалланган.

Соҳа олдида турган энг долзарб муаммолар сифатида Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармаларида ишчи ўринлари етарли даражада эмаслиги, моддий техника базасининг яхши шаклланмагани, шунингдек, GPS, Wi-Fi, замонавий компьютер жамланмаси, фотоаппарат, камера, DRON, автотранспорт воситалари ҳамда бир қанча қўшимча жиҳозлар билан таъминланмаганини кўрсатиш мумкин. Бу соҳа вакилларининг маълумасини ошириш мақсадида чет эл давлатларига амалий тажриба алмашиш учун хизмат сафарлари қўйилган зарур.

Департамент ва ҳудудий бошқармалар ходимларининг олийк маошларини ошириш, штатлар бирлигини кўпайтириш ушбу соҳадаги муаммолар

11 февраль куни Гиждувон туманидаги 11-БМСМда "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви бўлиб ўтди. Унда 10-11-БМСМ тасвирий ва амалий санъат йўналиши ўқувчиларининг кўргазмали тақдимотлари намойиш этилди. Ёғоч ўймакорлиги ишлари, қўл меҳнати хунаридан намуналар, ўқувчилар томонидан чизилган аjoyиб санъат асарлари барчага манзур бўлди. Шунингдек, мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан ташкил этилган шеърят мулкнинг султони

ечимида ва янги ислохотлар олиб боришда ўзига хос дастак бўлади.

Алоҳида муҳофаза этилувчи ҳудудлардаги архитектура объектларини тўлалигича ёки ЮНЕСКО талабларига кўра сақлаш учун марказлашган онлайн видео кузатув камераларини ўрнатиш лозим.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Давлат туризмини ривожлантириш кўмитаси билан ҳамкорликда келгусида амалга ошириладиган ҳар қандай халқаро ва маҳаллий аҳамиятга эга тадбирларни амалга ошириш, улардан тушган гонорарларни Маданий мерос департаменти билан тенг ҳуқуқлилик асосида тақсимланиши ҳам ўринли ташаббус ҳисобланади.

"ВАҚФ" хайрия жамоат фондига бириктирилган объектларда олиб бориладиган таъмирлаш-тиклаш ишларини жамоат фонди ҳисобидан амалга ошириш лозим, негаки объект бириктирилгач бевосита у билан боғлиқ барча ишлар мувофиқлаштирувчи орган зиммасига юкланади.

Соҳа ва тармоқни ривожлантириш бўйича таклифлар ва ташаббуслар:

а) ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси кўмитаси, ИКО-МОС ва АЙСЕКО каби ташкилотлар, Маданий мерос департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари билан биргаликда ишлаш;

б) Моддий маданий мерос объектларининг умумбарши, бемисл қийматини йўқотмаслик, устоз-шогирд анъаналарига мос равишда давлат илмий таъмирлаш-тиклаш ва реставрация институти ташкил этиш.

в) Ўзбекистон Республикаси туризмини ривожлантириш Давлат кўмитаси билан ҳамкорликда келгусида амалга ошириладиган ҳар қандай халқаро ва маҳаллий аҳамиятга эга тадбирларни амалга ошириш, улардан тушган гонорарларни тенг ҳуқуқли равишда Маданий мерос департаменти билан тақсимланиши;

г) "ВАҚФ" хайрия жамоат фондига бириктирилган объектларда олиб бориладиган таъмирлаш-тиклаш ишларини унинг ҳисобидан амалга ошириш. Қутилаётган натижалар:

- таъмирлаш-тиклаш ва реставрация илмий текшириш институти моддий маданий мерос объектларимизни асл ҳолатига таъсир этмаган ҳолда келажак авлодларга етказишда бир омили бўлиб хизмат қилади;

- ўзбек халқининг миллий анъаналари ҳисобланган ёғоч ўймакорлиги, қошиқорлик, ганчкорлик каби соҳа мутахассисларининг йўқолиб қолмаслиги;

- асл реставраторларни бир жойга тўлаб, соҳани мустаҳкамлашга хизмат қилади;

- Маданий мерос департаменти ҳамда ҳудудий маданий мерос бошқармаларининг олийк маошлари ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш бу соҳадаги ислохотларни ўз вақтида амалга ошириш имконини беради;

- алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда марказлашган онлайн видео кузатув камераларини ўрнатиш ушбу ҳудуддаги маданий мерос ҳамда архитектура объектларимизнинг тўлалигича ёки ЮНЕСКО талабларига кўра сақланишига хизмат қилади;

- соҳа мутахассисларининг чет эл тажрибаларини ўрганиши келажакда маданий мерос объектларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Шунингдек, учрашувда "Олтин мерос" Халқаро хайрия жамоат фонди ҳамда "Вақф" хайрия жамоат фонди вакиллари ҳам қатнашиб, ўзаро ҳамкорликни таклиф этишди. Бундан кўзланган ягона мақсад – моддий маданий мерос объектларимизни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодга етказишга масъулият билан биргаликда ёндашишдир.

Муаттархон Тўйчиева

Мир Алишер Навоий ва буюк давлат арбоби, аjoyиб шоир, ўз даврининг атоқли олими Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллууди-га бағишланган концерт дастури олқишлар билан қарши олинди. Тадбир сўнггида Гиждувон туман ҳокими М.А.Умаров сўзга чиқиб, ёшларни турли соҳаларда эришган ютуқлари, халқаро олимпиадада 1-ўринни эгаллаганликлари учун муборақбод этиб, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Туман ҳокими ўз нутқида ёшларимиз қайси соҳада ҳаракат қилса, биз уларни қўллаб-қувватлашга тайёرمиз, дея ташкилади. Бу сўзлар ташриф буюрган ёшларни ва ота-оналарни ғоятда руҳлантирди. Бундай тадбирларни ўтказиш ёшларимизни Навоий ва Бобур оғуру қилганидек халқпарвар, мард, қомил инсон бўлиб етишишига хизмат қилса не ажаб.

Ҳаётхон НАБИЖОНОВА,
11-БМСМ ўқитувчиси

Йўловчи маданияти



Сиз бунга нима дейсиз? Ёхуд баъзи бировларда маданият қачон шаклланади?



Жамоат транспортларидан фойдаланишнинг ҳам ўзига яраша талаблари, одоб-ахлоқ қоидалари бор. Масалан, одамлар орасида баян овозда гапириш, қаттиқ кулиш умуминсоний маданиятга тўғри келмайди. Ён-атрофдагиларга қўполик қилиш, ҳақоратлаш мутлақо одобсизликдир. Бу азалдан оила тарбиясида бола онгига синдириб келинади. Аммо айримлар учун атрофдагилар фикри, бошқаларнинг ҳуқуқи – бир пул.

Сурхондарё вилоятидан пойтахт сари автобусда йўлга чиқдик. "МЕРС"нинг баъзи ўриндиқлари бўш эди. Кейинги тумандан яна бошқа йўловчилар ҳам чиқиди. Биз юришда давом этдик. Автобус салони одамлар билан тўлгани учун тезда исоб кетди. Ҳеч қанча вақт ўтмай бадбўй хид тарқалди. Йўловчилардан кимдир маст ҳолда автобустга чиққан кўринади, бирдан ҳамманинг кайфияти ўзгарди. Олдинги ўриндиқда ўтирган бир аёл, "кимдир оёғини ечган, шекилли, маданиятдан худо қистан эканда, уялмайсизларми, сизлардан бошқа одамлар ҳам бор-ку, барака топгулар", – дея зорланди. Одамлар орасида шундай бефарқлар ҳам борки, уларни фақат атрофдагиларинга тарбиялаш мумкин ва шундай қилиши лозим. Бунга ана шу манзарани кўриб гувоҳ бўлдик.

Россияда pista пўчоғини ташлаган киши атрофдагилар ғазабига учрайди. Японияда жамоат транспортга чиқибдан олдин қўл телефонлари овозсиз тартибга қўйилар экан. Токи жиригиллаб, бошқаларни безовта қилмаслиги учун. Шунингдек, баланд овоз чиқариб кулиш ҳам мумкин эмас. Сабаби, кимнингдир кайфияти бузилиши, бошқа бир одамга эса нуқулаллик туғдириши мумкин. Очиғини айтганда, бу келтирилган мисоллар юқоридегисининг олдида арзимас нарса. Лекин биз қачонгача бошқа бир давлатлар маданиятини оғиз кўпиртириб мактаймиз? Катта ёшли кишиларга насихат бериш тарбиясизлик албатта, аммо шунингдек ташқи муҳитга бефарқ бўлиш керак эмас. Аслини олганда, жамоатчилик бир-бирини тарбиялаш лозим. Шундангина одамлар орасида ўзини тутиш каби бўшлиқлар секин-аста йўқолади. Айнан маданият доир қонун бўлиши шарт эмас, инсоннинг ўз тушунчаси шаклланиши керак.

Автобус Сурхон воҳасидан Тошкент шаҳригача 14 соат йўл юради. Узоқ масофа

йўловчини ҳолдан тойдиради, албатта. Ахир бежиз айтишмаган, "йўл азоби – гўр азоби", деб. Вечора йўловчилар маст одамнинг оғзидан чиқаётган қўланса хидга базўр чидаб келишарди. Нафас олишга қийналишгани боис ойналар очилиб, транспорт салониининг ҳавоси бир неча мартаба алмаштирилди.

Қашқадарё воҳасига киргач, бироз тамадди қилиб олиш учун тўхтар эканмиз, маст киши ёнида келаётган ҳамроҳига бор аламинни сочдим: "автобустга чиқибдан олдин шерингизга қаттиқ тайинлашингиз керак эди. Ахир салонда ўтириб бўлмайпти. Катта ёшли одам экан, наҳотки, транспортдан фойдаланиш маданиятини билмасиз?.." Ҳалиги одам нима деб жавоб бериши ҳам билмади. Ҳамроҳи унинг гапига кирмаслигини, доим шундай ҳолатда юришини айтиб, ўзини оқлаган бўлди.


Баланд овозда кулиш ва гапириш, жой бермаслик ва яна шунга ўхшаш ҳолатларни кўп танқид қиламиз. Бу эса бора-бора ўз натижасини беради, албатта. Аммо ҳоҳлаймизми-йўқми спиртли ичимлик истеъмол қилиб, транспортга чиқиб ва шу билан йўловчиларга нуқулаллик туғдириш жамоат тартибининг бузилиш билан баробар. Транспорт қийинчилик, соҳа мутасаддилари бунга жавобгар бўлиши керак. Шундай ҳолларга қонунчиликда белгиланган жарима ёки спиртли ичимлик ичган ҳолда чиқарилмаслик каби тартиблар жорий этиш кераклигини бунгунги кунда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айнан шу вазиятларда билмайдиган, англамайдиган фуқароларга тушунтириш ишларини олиб бериш ҳам уларнинг иши. Бунда транспортдан фойдаланиш қонун-қоидаларини билет тарқатишдан олдин уқитириш, риюз этилмаган тақдирда эса тегишли чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳақдаги оғоҳномаларни кўринарли жойга илби қўйиш ҳам фойдалан холи эмас.

...Биз эса нҳоят Тошкент шаҳрига етиб келдик. Автобусдан тушар эканмиз, димогимизга тоза ҳаво урилди. Ундан тўйиб-тўйиб бофас олдик. Кўнгли беҳузурлиги босилди. Бош оғринини айтмаганда, ҳаммасидан кутулдик.

Кўрпачимиз, битта шахснинг маданиятсизларча қилган хатти-ҳаракати шунча йўловчининг кайфиятини бузди. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

Оламгир АБДИЕВ

Назм ва наво



“Одабийлар одабийси”

Мақомчилигимиз

Асрлар давомида улуг шoir ва олимлар, мохир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат юртимиз ва шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шухрат ва эътибор қозонган. Мақом санъатининг гултожи бўлган “Шашмақом” ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида эътироф этилгани ҳамда унинг Репрезентатив рўйхатига киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Шавкат Мирзиёев

Олис ўтмиш нафаси



Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдиэлари, бетакрор бадий услуби ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбек мақомчилиги узоқ тарихга бориб тақалади. Унда отабобларимизнинг биз авлодларга қолдирган ўғитлари, мерослари мужассам. Гўёки, чолғулардан таралган куй, мумтоз ашулалардан ёғилаётган садолар олис ўтмиш нафасини, миллий қадриятимизнинг қуримас илдиэларини онгимизга олиб кираётгандек бўлади. Мақом музыка ижодиётининг бошқа турларидан бадий муқаммаллиги, куй ҳамда шакл тузилишлари, лад ва усул тизимлари ҳамда илмий ва амалий асослари пухта ишлангани билан фарқ қилади. Мақом музыка, шеърят ҳамда рақс санъатларини мужассамлаштирувчи муштарак бадий дурдонадир.

Атама сифатида бу сўз турли элатларда турфа номлар билан таллафуз қилинади, лекин асосий ўзаги бир маънони англатади. Мисол тариқасида, Ўзбек ва тожикларда “мақом” дейилса, туркман ва уйғурларда “муқом”, эрон халқлари, озарбайжон ва арманларда “муром” ёки “дастгоҳ”, туркларда “мақам”, араб халқларида эса “мақам” шаклида айтилади. Тарихий манбаларга кўра, мақом санъати XIV-XIX асрлар ораллиғида равақ топган, яъни муқаммал кўринишга келиб, сайқал топган. Ўзбекистонда мақом асарлари ва туркумлари

Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 7-болалар музыка ва санъат мактабида “Юлдуз” маданий уйи билан ҳамкорликда сўз мулкнинг султони, буюк шoir ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигига бағишланган бадий, адабий, муסיқий кеча бўлиб ўтди.

Унда фортепиано йўналиши ўқувчилари, анъанавий чолғу ва хонандалик ҳамда “Тулдаста” дутор ансамбллари ижросида куй-

қўшиқлар ижро этилди. Театр йўналиши ўқувчилари томонидан “Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро” сахна кўриши намойиш қилинди. Шоирнинг ғазал ва рубойлари ўқувчилар томонидан маҳорат билан ўқилди.

Тадбир давомида тасвирий санъат йўналиши ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Алишер Навоий асарларида мен севган қаҳрамон” мавзусидаги расмлар танловида голиблари маъмурият томонидан диплом ва

фахрий ёриқлар билан тақдирланди.

Навоий ҳақиқий инсонга “одабийлар одабийси” дея баҳо бериб, бундай кишининг биринчи белгиси иймон эканини таъкидлайди. Умуман олганда “Хамса” инсонийлик, қомиллик, маънавий етукликдан сабоқ берувчи асардир. Уларни ўрганиш ҳар биримизнинг бугунги кундаги муҳим вазифамиздир.

Б.Қувондиқов, ўқув-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Хотира абадий

Юксак шарафга лойиқ кўрилганлар



Миллий қўшиқчилик ва опера санъатининг мохир ижроҳиси, бетакрор овоз соҳибаси, Ўзбекистон халқ артисти Саодатхоним Қобулова муסיқамиз тарихида ёрқин из қолдирган устоз санъаткорлардан биридир. Ўз замонида у ижро этган ўзбек ва жаҳон классик муסיқа намуналари кириб бормаган хондон бўлмаган, десак янглишмаймиз. Саодатхоним 14 ёшиданок Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Тўхтасин Жалилов, Валижон Тошматов каби улуг санъаткорлар назарига тушиб улгурган. Соҳир овоз ва услубига эга хонанда ўз даврининг устоз санъаткорига айланди. 1959 йил собиқ Иттифок халқ артисти унвонига сазовор бўлганида эса 34 ёшда эди. Эрта ёшда шундай юксак шарафга лойиқ кўрилиш унинг юксак иқтидор эгаси бўлганини кўрсатади.



Саодат Қобулова 1925 йил 15 декабрда Марғилон шаҳрининг Олиҳмақ маҳалласида таваллуд топган. Кейинчалик оила Фарғона шаҳридаги Бешбола мавзесида кўчиб ўтган. Онаси Ҳидоятхон яхшигина дутор чалиб, ялалар айтарди. Эҳтимол, санъатга қизиқиши онасидан ўтгандир. Унинг санъатга бўлган муҳаббати ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида яна ҳам ортди. Ўша пайтда Марғилон шаҳар халқ театри раҳбари Жўраҳон Султонов ёш, хушовоз йигит-қизларни театрга жалб қилиб юрган эди. У Саодатхоннинг нозик, дардли овози борлигини илғаб, қизалоқни театрга таклиф қилади ва кейинги йиллар мобайнида унга устозлик қилиб, ҳам қалбани, ҳам руҳани қўллаб-қувватлайди.

Шогирди ижросига бепарқ бўлмаган устоз 1941 йил 16 ёшли Саодатхоним Тошкентдаги янги ташкил қилинган Муқимий театрига ишга олиб келади. Бу ерда Саодатхоним Тўхтасин Жалиловдан сабоқ олади ва Лутфиҳоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Миршоҳид Мироқилов, Маҳмуджон Гофуров, Соиб Хўжаевлар билан бирга ижод қилади. Унинг илк “Нурхон” асаридagi Нурхон образи муҳлислар ва театр жамоасини ром этади. Саодатхоним Қобулова Тўхтасин Жалиловнинг ўғли, бастакор ва мохир дирижёр Холхўжа Тўхтасиновга турмушга чиқади. Улар икки фарзанд кўришади.

Устоз санъаткорнинг қизи Нодира Қобулова бугун волидаи муҳтарамасига берилаётган эътибордан жуда ҳам мамнун эканини яширмади. У онаси билан кечган қизиқarli воқеаларни, ширин хотираларини сўзлаш билан бирга, Миллий мақом санъати музейига Саодат Қобуловага тегишли бўлган барча ноёб экспонатларни ҳада қилди.

педагогик олий таълим муассасаларининг муסיқий таълим йўналишида мақом санъатини махсус фан сифатида ўқитишни жорий этиш таклифининг берилганлигини ҳам

кўрсатиш мумкин.

– Бухоро “Шашмақом”и, “Хоразм мақомлари” ҳамда “Фарғона – Тошкент мақом йўллари” туркумлари, шунингдек, унинг локал вариантлари – “Тошкент ироғи”, “Кўкчи ироғи”, “Самарқанд ушшоғи”, Фарғона “Сурнай мақом йўллари”, Хоразм “Дутор мақом туркуми”, “Феруз” туркуми ва бошқалар мавжуд.

Бугунги кунда мақом йўналишини янада ривожлантириш, оммага кенг миқёсда танитиш, халқнинг мақомга бўлган бой қизиқишини кучайтириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мисол учун, Юртбошимизнинг 2017 йилдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига, 2018 йилдан бошлаб соҳада фаол ижод қилаётган санъаткорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Энг яхши мақом хонандаси”, “Энг яхши мақом созандаси”, “Энг яхши мақом устози”, “Энг яхши мақом тарғиботчиси”, “Энг яхши ёш мақомчи” каби номинациялар бўйича мукофотлар таъсис этиш бандларининг киритилганлигини айтиш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат консерваториясининг Муסיқий шарқшунослик кафедраси негизида “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедрасини ташкил этиш, вилоятлардаги

Нодира Абдуллаева

«Адабий кеча»

«Бобурни ёд этиб»

Ўзбек мумтоз шеърини ҳақида гапирилганда кўз олдимизда маърифатпарвар Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймоси ҳам гавдаланади. Бу буюк ижодкорнинг маънавий ва илмий мероси асрлар оша ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас.

14 февраль куни Регистон ансамбли Мирзо Улугбек мадрасасида Самарқанд шаҳар 2- ва 77-мактаблар раҳбарияти билан ҳамкорликда Ўрта

аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърини ўзига хос ўрин эгаллаган шоир, буюк олим, давлат арбоби ва саркарда – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги муносабати билан «Бобурни ёд этиб» номли адабий-бадий кеча ташкиллаштирилди. Тадбир Регистон ансамбли илмий ходимлари Тимур Болтаев ва Шероз Бакиев, Самарқанд шаҳар 77- ва 2-мактаб ўқитувчилари Мехрибон Хотамов

ва, Феруза Ражабовалар томонидан ташкил этилган бўлиб, унда мактабнинг иқтидорли ўқувчилари иштирок этишди. Улар Мирзо Бобур ҳақидаги саҳна кўринишларини намойиш этиш билан бирга унинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқиб беришди. Ушбу саҳналаштирилган кўринишлар Регистон ансамблига ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий сайёҳларда катта таассурот қолдирди.



Халқаро семинар



Муҳим сайёҳлик манзили

11-12 февраль кунлари ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европа Иттифоқи ҳамда Хива шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида халқаро илмий-амалий семинар ўтказилди. Анжуман долзарб масала – очик осмон остидаги музей шаҳар – Хивада барқарор туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга бағишланди.

Унда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси ва барқарор туризм бўйича Дастурлар лойиҳаси етаки мутахассиси Питер Дербин, халқаро туризм бўйича маслаҳатчиси Крис Сик, Ўзбекистондаги ваколатхонаси дастурлари ассистенти Татьяна Трудолубовалар иштирок этишди.

Мазкур семинар ЮНЕСКОнинг «Афэонисток, Ўрта Осиё ва Эрон-Буюк Испан йўли, Европада Европага олиб борувчи йўлакларнинг умумий мероси» лойиҳасининг бир қисми бўлиб, у 2018 йил октябрь ойида Европа Иттифоқи, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг молиявий кўмаги билан бошланган эди.



Бунда асосий эътибор Хивада барқарор туризмнинг инклюзив саноатини ривожлантириш ва маданий меросни асраш, хусусан, Бутунжаҳон мероси саналган Ичан қалъа ёдгорликларини сақлашда зарур бўладиган инвестициялар ва ҳаракатлар механизмини аниқлаб олишга қаратилди.

– Умумжаҳон мероси ва туризм биргаликда иқтисодийни ривожлантирувчи катта кучдир, – дейди Питер Дербин. – Ичан қалъа келажакда энг муҳим туристик манзил бўлишига, маҳаллий аҳоли бу бебаҳо меросни бутун дунё билан баҳам кўришига, фахрланишига ишонман.

Семинар натижалари асосида туризм бўйича давлат ва хусусий секторнинг маҳаллий вакиллари энг муҳим жиҳатларни тўғри аниқлаб, сайёҳликни бошқаришда мақсадли режаларни белгилаб олишди.

Шуҳабасиз, қизгин мунозаралар асосида ўтган анжуман туризм саноатини ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур бўладиган инвестицияларни фаол жалб этишда йўл харитаси бўлиб хизмат қилади.

ОТАБЕК ИСМОИЛОВ,
«Ичан қалъа» давлат музей қўриқхонаси матбуот котиби

Маданият маркази фаолиятдан

«Эҳтиром сизларга улуғ сиймолар»



Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман О.Худойшукуров номидаги маданият марказида Ёшлар орасида жиноятчиликнинг, турли иллатларнинг олдини олиш мақсадида туман маданият бўлими, прокуратура ва халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Тарбия – маънавий камолот» мавзусида театрлаштирилган дастур томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Унда маданият марказининг ҳаваскор санъаткорлари «Қилмишқидирмиш» номли кўғирчоқ театрини намойиш этишди.

Шунингдек, халқ театри санъаткорлари ижросида Нормурод Раҳмоннинг «Надомат» спектакли ва Қ.Нурумбетов номли маданият маркази драма тўғараги репертуаридаги «Саргардонлик ёхуд сўнгги пушаймон» спектакли тақдим қилинди.

Бундан ташқари, «Эҳтиром сизларга улуғ сиймолар» мавзусида адабий-бадий кеча ҳам ўтказилди.

Унда туман халқ таълими бўлимига қарашли 22-, 45-, 29-умумтаълим мактаблари ўқитувчилари А.Навоий ва З.М.Бобурнинг бебаҳо

мероси, буюк алломаларнинг ҳаёт йўли ҳақида сўз юритар экан, неча асрлар ўтса ҳамки, улуғ алломаларимизнинг барҳаёт асарлари инсониятни эзгуликка, бағрикенглик ва меҳр-муруватга даъват этувчи бекиёс ғоялари тинимсиз мангу яшашини таъкидладилар.

Бадий кечада маданият маркази ходимларининг образли чиқишлари, хушовоз хонандалар ижросидаги мақом ашулалари барчада катта таассурот қолдирди.

Умумтаълим мактаблари бадий ҳаваскорлик жамоалари аъзолари ҳам тадбирда фаол иштирок этиб, аждодларга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромини ғазал ва рубоийлари орқали намоеён этишди. Кечада қатнашган меҳнат фахрийлари, маданият ходимлари ҳам сўзга чиқиб,

буюк сиймоларнинг боқий асарлари ҳақида сўз юритишди.

4 февраль куни эса Тўрткўл туманидаги О.Худойшукуров номидаги маданият марказининг йиллик ҳисобот концерти бўлиб ўтди. «Тарона» ашула ва рақс халқ ансамбли 1980 йилларда «Наврўз» халқ ансамбли сифатида ташкил топган. Кейинчалик 1984 йилда унга Маданият вазирлиги коллегия қарори билан «Тарона» ашула ва рақс халқ ансамбли унвони берилган. Ансамбль жамоаси ҳаваскор ёшлар билан «Тарона» ашула ва рақс тўғарагида қўшиб келмоқда. Рақс тўғарагида асосан 65- ва 5-умумтаълим мактабларининг ўқувчи қизлари фаол. Маданият бўлими раҳбари Б.Дурдиев тадбир қатнашчиларига иштироки учун фахрий ёрлик ва эсдалик совғаларини топширди.

Назокат Болтабоева

Илим чироғи

Китоб – ҳаёт ҳикмати

Китобни кўёшга қиёсласак-да ўринли. Чунки офтоб инсоннинг жисмонан ўсишида қанчалик муҳим бўлса, китоблар маънавий баркамоллик сари етаклайди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг тўртинчи йўналиши «Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш» та қаратилгани юртимизда униб ўсаётган авлод маънавиятини шакллантиришда китобнинг аҳамияти катта эканидан далolat. Мазкур ташаббусни ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, саводхонликни ривожлантириш мақсадида Ширмонбулоқ маданият маркази

да «Китоб – ҳаёт ҳикмати» шиори остида китобхонлик кечаси бўлиб ўтди. Унга ҳудуддаги умумтаълим мактабларидан ёш китобхонлар таклиф этилди. Тадбир ташкилотчилари О.Йўлдошев ҳамда Мухайё Холқулова уни кўрик-танлов асосида ўтказиш таклифини беришди. Учта шарт бўйича ўтган танловда ёш китобсеварлар ўзлари ўқиган китоб, ёзувчи ва шоирлар ҳаёти ва ижоди, китобнинг ҳаётимизда тутган ўрни, буюк алломаларимизнинг дурдона ҳикматларини қанчалик билишларини намойиш этишди.

Айниқса, ўқувчилар «Болаларга бе-



ринг китобни», «Ўқи, болам, китобнинг» номли шеърларни ифодали ўқиши билан мутолаага бўлган қизиқиши ва меҳрини ифода этдилар.

30-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан Гофур Гуломнинг «Шум бола» ва Ҳ.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асарларидан парчалар намойиши тадбирга янада фойз киритди.

Собиржон Сотволдиев,
Булоқбоши туман маданият бўлимининг ёшлар масалалари бўйича мутахассиси

Маҳорат дарси

“Орзуимдаги инсон билан учрашишни истайман”



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббуси бўйича имплементация стратегиясини жорий этиш юзасидан 17 февраль куни Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабда “Орзуимдаги инсон билан учрашишни истайман” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Давлат филармонияси Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлими маси ходимлари Абдулла Уринов, Ш.Қурбанова ва С.Мирқурбановалар то-

монидан ўқувчилар учун маҳорат дарси ташкиллаштирилди. Абдулла Уринов ёшларга миллий мусиқа асбобларидан сурнай, сибизга, чанқовуз ҳақида, уларнинг келиб чиқиш тарихи, ижро этиш сирлари ва услублари тўғрисида маълумотлар берган бўлса, Ш.Қурбанова ва С.Мирқурбановалар хореография бўлими ўқувчиларига рақс санъати сирларини ўргатишди.



Миллий рақс тараққиёти учун

Шу кунларда давлатимиз раҳбарининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш ва миллий салохиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари санъат ва маданиятимиз фидойилари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Айниқса, Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” рақс ансамблининг қайта тикланиши ҳақидаги хабар кўпгина рақс санъати жонқуярлари руҳиятини кўтариб юборди.

Бу борада Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашеванинг фикр-мулоҳазалари ҳеч қимми бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Зеро, у ўзбек миллий рақс санъати асосчилари Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қори Ёқубов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Ота Ҳожи, Тамарахонимлар ижодини чуқур ўрганган, машҳур “Баҳор” ансамблини ташкил этиб, ўзбек рақсини дунёга машҳур этган устоз санъаткор Мукаррама Турғунбоевадан сабоқ олиб, у билан 10 йиллар давомида биргаликда фаолият олиб борган, кейинчалик устози ишларини давом эттириб, “Баҳор” ансамблига бошчилик қилган, Қундуз Мирқаримова, Галия Исмаилова, Клара Юсупова, Гулнора Маваева, Исаҳор Оқилов, Маргарита Оқилова, Карима Узоқова, Розия Каримова, Вилоят Оқилова, Малика Аҳмедова каби моҳир раққосалар ижодидан илҳомланиб, гўзал рақслар яратган, таъбир жоиз бўлса, ҳаётини рақс санъатига бахшида этган фидойи инсонлардандир. Қолаверса, Ўзбекистон Маданият вазири Озодбек Назарбеков таъкидлаганидек, Мукаррама опанинг тарбиясини олган, тажрибасини ўрганган рақс усталаридан бири Маъмура Эргашева “Баҳор”нинг қайта тикланишида алоҳида жонбозлик кўрсатиши шубҳасиз.

“Баҳор”нинг баҳори қайтмоқда

– Миллий рақс санъати га қандай таъриф берган бўлардингиз?

– Санъат олами жуда кенг ва ранг-барангдир. Аммо рақс санъати ўз жозибаси, латофати ва сирлилиги билан мени бир умрга ўзига мафтун этган. Инсоннинг ички оламию, ташқи ҳолатини сўз эмас, балки ноқий ҳаракатлар билан кўрсата олиш, уни бутун онгу шууринг, вужудингга баддий ифода этишда нақадар ноқий туйғу, юксак маънавият ва беқий салохият зарур. Ҳатто, нигоҳлардаги масъумлик ёки изтироб ёхуд шодлик ифодаси билан уйғунлашиб кетадиган ҳаракатларини бежиз “хиром айлаш” деб аташмаган. Қалбларга эзгулик улашувчи бундай санъатни севмай бўладими?

– Ҳозирги давр миллий рақс санъати ҳақида нима деган бўлардингиз?

– Рақсини севиб ижро этаётган санъаткорлар, ёш истеъодлар йўқ эмас орамизда. Аммо бу ижроларнинг айримларида нимадир етишмаётгандек туюлади баъзан. Шундай кезларда муҳтарам Президентимизнинг Бош вазир бўлиб ишлаётган пайтларидеяёқ айтган сўзлари ёдимга тушаверди. “Сизлар Мукаррама опадек бебаҳо санъаткор мактабини кўргансиз, бунинг йўқотмаслики керак...” Ушунда жудаям ҳаяжонланиб кетган эдим...

– Демак, юртбошимизнинг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, айниқса “Баҳор” ансамблини тиклаш ҳақидаги қарори сиз учун орзиқиб қуттилган воқеа бўлди, шундайми?

– Албатта! Ахир 2007 йилда фаолияти эътиборсизлик тўғрисида тўхтаб қолган “Баҳор”нинг қайтишини армон билан кутаётган санъаткор мухлисларимиз кам эмасда.

Қолаверса, бу санъат ривож учун зарур бўлган кадрлар, етук мутахассисларни етиштириб беради-

ган Маданият вазирлиги тизимида Ўзбекистон давлат хореография академиясининг ташкил этилиши ҳақидаги қарор бандини янада қувонч билан ўқидик.

Дарҳақиқат, бизга рақс санъати бўйича асосли билим берадиган олий даражадаги даргоҳ зарур эди...

– “Баҳор”ни қайта тиклашда нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

– Аввало, рақс санъатини чуқур биладиган, фидойи устоз санъаткорлардан иборат баддий кенгаш тузиш, қолаверса, давлатимиз раҳбари Мурожаатига тилга олинган “Ҳалоллик вакцинаси” билан даволаш ишларини олиб боришимиз зарур. Токи миллий рақсларимиз покиза туйғуларга, эзгу ниятларга бой, инсоний гўзал кечинмаларнинг соф, ёрқин ифодасига айлансин. Бунинг учун астойдил бел боғлаб хизмат қилишга аҳд қилган рақс санъати билимдонлари, халқимиз меҳрини қозongan санъаткорларимиз кўп. Жумладан, Ўзбекистон халқ артистлари Зиёда ва Насиба Мадраҳимовалар, Ҳайола Муҳаммедова, Рушана Султoнова, Феруза Солиқова, Қизилархон Дўстмуҳаммедова, Қодир Мўминов каби фидойиларимиз ушбу қарор ижросида энг фаол иштирокчилардан бўлишига шубҳа йўқ.

– Сиз Ўзбекистон рақс санъатининг ёрқин юлдузи, бетакорор санъаткор Мукаррама Турғунбоеванинг шогирди-сиз. Қолаверса, “Муножот”, “Тановар”, “Дилхирож”, “Фаргона рақси”, “Анджон полкаси”, “Хива гўзали”, “Мақом”, “Савти муножот”, “Чоргоҳ”, “Баҳорим” каби қатор гўзал рақсларни маҳорат билан ижро этган ва бошқаларга ўргатаётган устоз санъаткорсиз. Шогирдларингиз ҳақида ҳам билишни истар эдик.

– Аслида ҳар бир рақс устаси мен учун устоздир. Шунингдек, Иро-



да Исмоилова, Гулнора Низомова, Елена Тўхтаева каби истеъодли раққосаларга ниманидир ўргатдим деб айтиш мен учун фахр.

– Ҳозирги кунда “санъаткор маданияти” деган тушунчага тез-тез мурожаат қилишга тўғри келяпти. Сизнингча, бунга сабаб нима?

– Жуда ўринли савол. Афсуски, глобаллашув жараёни энг аввал маданиятимиз, санъатимизга таъсир кўрсатаётгани, оммавий маданиятнинг ноқий, ноқий белгилари, айниқса, ёшларимизнинг юриш-туришида акс этаётганини инкор этолмаймиз. Бундай ҳолат кўпроқ санъат йўлини танлаган ёшларимиз орасида тез-тез кўзга ташланаётгани сир эмас. Ваҳоланки, улардан андоза олаётган гўр ёшларимиз ҳам талайгина. Шу ўринда устозимиз Мукаррама Турғунбоеванинг ўғитлари, оналарча берган насихатларини айтиб ўтмоқчиман. “Санъаткор ҳамиша эл назаридан юради, дердилар онамиз. – Шунинг учун нафақат ташқи кўринишингиз, балки одоб-ахлоқингиз билан ҳам одамлар меҳрини қозонишингиз керак. Акс ҳолда санъаткор деган номнинг обрўси қолмайди. Бунинг учун сиз масъулсиз...”

Мана шу насихатларга амал қилганимиз учунми, бизни доим чет элларга борганимизда ҳам “Ўзбекистондан парилар учиб келди”, “Ўзбекистоннинг гўзаллари келди”, деб кутиб олишар эди.

“Маданият” газетаси муҳбири С.Рихсиева суҳбатлашди.



Назм ва наво

Рубоий ва ғазаллар кечаси



Ангрен шаҳар маданият марказида Маданият бўлими, Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими бўлими, Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида мумтоз шеърятимиз султони, ўзбек адабиётининг йирик намоиядаси Мир Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги ҳамда Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърятини да ўзига хос ўрин тутган адиб, шoir, олим, йирик давлат арбоби ва саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 537 йиллигига бағишланган “Назм ва наво” кечаси ўтказилди. Уни шаҳар ҳокими ўринбосари Салим Анорбоев очиб берди. Тадбирга Муқимий номидаги давлат мусиқали драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Александр Бекжонов меҳмон сифатида таъриф бўлди. Кечада “Чотқол” ашула ва рақс ансамбли ижросидаги “Ошиқ ўлдим”, “Кўча боғи 2”,



“Уфори Хожиниёз”, “Оҳки”, “Бу-хоро тўлкини”, “Баҳор айёмидир”, “Мушқулдир”, “Яхшилиги” кўшиқлари ҳамда Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари ижросидаги «Навоий» драмаси, «Фарход ва Ширин» асарларидан олинган монолог ва сахна кўринишлари барчага бирдай манзур бўлди. Шунингдек, дастур давомида Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати театр тўғраги раҳбари Асқар Аъзамов ижросида ўқилган рубоий ва ғазаллар кечага ўзгача файз бағишлади. Тадбир доирасида шаҳар умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида расмлар танлови ҳам ўтказилди. Фаол ёш мусаввирлар шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Хотира

Буюк аждодлар адабий мероси мангу яшайди

Фаргона вилояти Ўзбекистон туман маданият бўлими тасарруфидоги Марказий маданият марказида газал мулкнинг султони А.Навоий таваллудининг 579 йиллиги, шоҳ ва шоир З.М.Бобурнинг 537 йиллиги муносабати билан "Буюк аждодларимиз хотираси ва адабий мероси мангу яшайди" мавзусида мусиқали, адабий-бадий кеча ўтказилди. Ун-

да А.Навоий ва З.М.Бобур сиймолари гавдалантирилиб, уларнинг газаллари билан айтилаётган куй-қўшиқлар ижро этилди. Тадбирда Марказий маданият маркази қошидаги "Орзу" ашула ва рақс халқ ансамбли аъзолари, Ўзбекистон туманида фаолият олиб бораётган маҳаллий санъаткорлар ва истеъдодли ёшлар қатнашишди. Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари

вакиллари, "Нуроний" жамғармаси фаоллари, умумтаълим мактабларининг мусиқа фани ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасаларининг мусиқа раҳбарлари иштирокидаги ушбу тадбир қизгин айтишув ва шеърят кечасига улашиб кетди.

И.Валиев,
Ўзбекистон тумани маданият бўлими бош мутахассиси



Мақом кечаси



Мумтоз наволар тараннуми

Фурқат тумани Маданият бўлими қошидаги "Қувонч" ашула ва рақс дастаси 12-болалар мусиқа ва санъат мактабида назм мулки султони Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги ҳамда шоҳ ва шоир Захриддин Муҳаммад Бобур туғилган кунининг 537 йиллигига бағишлаб ҳисобот концерт дастурини ўтказишди. Унда нафисликда ҳамда пурмазноликда тенгсиз ашъорлари билан туркий забоннинг нечоғлик бой ва сержило эканини исбот этган, шу аснода Ўзбек адабиётига тамал тоши қўйган улуг мутафаккир, шунингдек, афсонавий ҳинд диёрида қудратли империя тузиш баробарида ижод гулшанида ўзига хос мактаб яратган шоҳ ва шоир даҳоларининг нечоғлик буюклиги эътироф этилди. Мухтасар айтганда, концерт давомида ўзбек шеърятининг икки буюк даргаси яшаб, ижод қилган давр руҳияти ҳар нафасда сезилиб турди. Ниҳоят, саҳнада дину диёнатда, меҳру вафода тенгсиз Навоий ҳамда ўзининг қуёш янглиг хусну лағофати билан ул зоти муборак қалбини ром этган Гули пайдо бўлди.

Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдим санго,
Не балолик кун эдиким, ошно бўлдим санго.
Гусса чангидин Навоий топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдим санго...
Ул паривашким, бўлбмен зору саргардон анго,
Ишқидир олам менга ҳарону мен ҳайрон анго,
Истамиш булбул вафогулдин магарким жоладин,
Бағри котмиш гунчанинг баским эрур хандон анго...

Маданият марказида ташкил этилган "Ифтихор" театр-студияси ёш актёрлари Шерзод Усмонов ва Шоира Жўраевалар хассос шоир ҳамда унинг сююклики образларини талқин этиб, газалларини шундай маҳорат билан ўқидиларки, томошабинларнинг гулдурас қарсақлари улар ижросига берилган юксак баҳо эди.



Гарчи ёш бўлса-да, иқтидорли қўшиқчи Мақсаджон Маъмиров ижросидаги "Сурагин", устоз-санъаткорлардан Дилфузахон Қодированинг "Муножот", Одинахон Якубованинг "Кўзларингни яширма" номли қўшиқлари ҳам мумтоз наволарга ошуфта қалбларни тўлқинлантириб юборди.

– Туманимиз маданият бўлими қошида фаолият кўрсатаётган "Қувонч" ашула ва рақс дастаси ёш раққосларининг чиқишларидан бу гал чексиз завқ туйдим, – дейди иштирокчилардан бири тадбир поёнига етган. – Уларнинг хатти-ҳаракатидаги бетақрор назокат, куйга ҳамоҳанг эврилишлар, ноз-истигноу қарашмалар ўз ўрнида ва ўз меъёридаки, агарда бирортаси тарк этилгудек бўлса, куй ва қўшиқ қатидаги ҳолатни ифодалашда муаян бўшлиқ пайдо бўлиши муҳаррар эди.

Бир сўз билан айтганда, саҳна безакларидан тортиб ҳар бир санъаткор чиқишида улуг бобоқалонларимиз яшаган давр руҳи ва нафаси яққол сезилиб турди. Бу эса "Қувонч" ашула ва рақс дастасининг ижодий режалари муваффақият билан бажарилган дараҳдир.

Юсуфжон ЧЎТБОВ,
"Қувонч" ашула ва рақс дастаси бадий раҳбари

Маънавий мерос

Барҳаёт ижод

Фаргона вилояти Қўқон шаҳар мусиқали драма театрида газал мулкнинг султони ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳамда Захриддин Муҳаммад Бобур таваллудларига бағишланган "Назм ва наво" кечаси бўлиб ўтди.

Унда Қўқон шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов сўз олиб, Навоий ҳамда Бобурнинг ҳаёти ва ижодига тўхталар экан, ҳар иккала адиб асарларида баркамол авлод таълим-тарбиясига тааллуқли фикрлар мужассамлиги, улар қолдирган маънавий мерос барча даврлар учун муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фаргона минтақавий филиалининг 1-ва 2-босқич талабалари ижросида "Ишқ айлади", "Кечди умрим наҳди гафлат бирла", "Мушқулдир", "Яхшилик" каби газалу рубоийлардан иборат қўшиқлар куйланиб, саҳна кўринишлари намойиш этилди. Айниқса, талаба ёшлардан Д.Акрамов, Х.Назиров, С.Туробов, Х.Қурбонбоев, Р.Ширмонов, М.Собирова ижро этган куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Шунингдек, бундай кеча 12-мехрибонлик уйда ҳам кенг нишонланди. Тадбирда вилоят прокурори ўринбосари Дилмуроджон Қобилов, Халқ таъли-



ми бошқармаси бошлиги Маъмуржон Турдиматов, педагогика университети ўқитувчиси, филология фанлари доктори, навоийшунос олим Хабибулла Жўраев, воёга етмаганлар билан ишлаш бўйича масъул котиб Қобилжон Ҳасанов ва бошқалар иштирок этиб, буюк мутафаккир шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида гапиришди. Улар газалларидан намуналар ўқилди.

Кечада Қўқон шаҳар мусиқали драма театри ходимларидан Акрамжон Анваров, Ғайратжон Аҳмедов, Қозим Йўлдошев, Нодиржон Шокиров, Ҳасан ва Хусан Орифжоновлар Алишер Навоийнинг "Сабъи Сай-

ёр" дostonи асосида саҳналаштирилган спектаклдан лавҳалар намойиш этишди. Шунингдек, 12-мехрибонлик уйи қошида ташкил этилган "Сарвигул" рақс дастаси аъзоларининг чиқишлари, маданият бўлимининг хушовоз хонандаларидан Ҳасанжон Абдуқодиров, Наримонжон Эрматовлар ижросидаги Навоийнинг "Эй сабо", "Фидо", "Тулизорим", "Қошиқинму дейин" деб номланган газалларидан таркиб топган куй-қўшиқлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Набижон Усмонов, Қўқон шаҳар маданият бўлими Матбуот ходими

Музейда

Маънавий-маърифий кеча

14 февраль куни Ангрен тарихи музейида "Буюк саркарда" мавзусида маънавий ва маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Ангрен шахридаги таниқли шоирлар Абдурахмон Пиримқулов, Улаш Тўйчиев, 18 - ва 29-мактаб ўқувчилари қатнашишди. Кеча давомида улуг боболаримизнинг ҳаёт йўллари, умри давомида ёзган газалу рубоийлари, тарихий асарлари ҳамда уларнинг инсонийлик, ахлоқ-одоб, илм ва маърифат борасида билдирган ўғитлари ҳақида маълумотлар тилга олинди.

Захриддин Муҳаммад Бобур ўрта аср шарқ маданияти, адабиёти ва шеърятинида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. У 1483 йилнинг 14 февралда Андижонда, Фаргона улусининг ҳокими Умар шайх Мирзо оиласида дунёга келди. Бобур кенг дунёқараш ва мукамал ақл-заковати билан Хиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиди, "Бобурнома" асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнафис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Кеча жуда қизиқарли ўтди. Ҳунавчилар ўртасида баҳру байт ўтказилди. Саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ў. Шодиева, Н.Исохонова, Ангрен шаҳар тарихи музейи ходимлари

Муҳим семинар



Йил якунлари, келгусидаги режалар...

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузурдаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш мақсадида институт ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев "Вокал санъати" йўналиши тингловчиларига Президент Мурожаатномаси юзасидан семинар ўтказди. Унда келтирилган масалалар, жумладан, 2019 йил якунлари тўғрисида ва 2020 йилги устувор йўналишлар – илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш режалари муҳокама қилинди. Профессор-ўқитувчиларни энг қизиқтирган масалалардан бири "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар ва ўқитувчиларнинг чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилиши бўлди. Шунингдек, келгусида грантлар миқдорининг 2 баробар кўпайтирилиши ва тадқиқот йўналишлари кўлами кенгайтирилиши тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Иброҳим Йўлдошев Мурожаатноманинг бошқа бандларида келтирилган – иқтисодиёт тўғрисида, яъни макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жилаш, тармоқларни монополиядан чиқариш, банк соҳасидаги ва ижтимоий ислохотлар, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўғрисидаги, умуман, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, спорт ва экология, давлат секторидagi ислохотлар ва коррупцияга қарши курашиш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Матбуот ходими



«Дунё Эъзодигади шоир»
Асрлар оша барҳаёт

» Авлодлар силсиласи

Мен бир аёлни биламан, у ўрта бўйли, ихчамгина, тиниб-тинчимас ва ҳаракатчан. Бу Моҳитўра Турсуновдир. Уни самарқандликлар Маҳдуми Хоразмий жамғармаси раиси сифатида танишди.

Замон ўзгарди, одамлар ҳам, лекин...

Етук аллома Камолиддин Хусайн Хоразмий ҳақидаги маълумотлар Маҳмуд ибн Шайх Али ибн Имомиддин Гиждувонийнинг «Мифтоҳ ут-Толиб» (Илм толибларининг калити) асариде келтирилган. У ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий ҳамда тарихий воқеаларни ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Асарда Хусайн Хоразмий ва Бобур шох ўртасида бўлиб ўтган бир воқеа баён келтирилган.

1527 йилнинг баҳориде Хиндистондаги Читора вилояти ҳокими Рано Санго ва Бобур ўртасида жанг бўлиб, унда рақиб жангчилари устун кела бошлади. Шунда маълумият нишонасини пайкаган лашкарлар кўнглида умидсизлик уйғонади. Ҳатто улардан бир нечаси жанга киришдан бош тортади. Бу ҳақда «Бобурнома» да «...улуг кичикда дағдага ва таралуд кўп эди. Ҳеч кимдан мардона сўз ва далерона раъй эшитилмас эди», – дейилади.

Ўшанда Бобур ҳам гамга толади. Ўйлаб-ўйлаб бир тadbирни қўлаш хотирига келади. «Мифтоҳ ут-толиб» асариде ёзилшича, Бобур бир вақтлар Самарқандга, яъни Хусайн Хоразмий хузурига бир дарвеш орқали кўп совғалар юборади. Хоразмий эса ўша дарвешга ўз асосини тутиб, «Буни шох Бобурга бериб қўйинг», дея тайинлайди. Бобур ўша асога гилоф ҳазинасидаги қўлматгабҳо буюмлар орасиде сақлаб келарди. Чорасизлик ҳолатиде шу асони эслайди ва уни ёнига қўйиб, Маҳдуми Хоразмийга намоз бағишлайди ва тўлиқ ихлос билан ҳазратнинг ботинига юзланади. Шундан кейин ул кишидан жанга кириш ва галаба қилиш башоратини олади. Эрталаб туриб, бу мўжизан лашкарларига етказди. Уни тинглаганларнинг руҳлари қўтарилиб, қайтадан гайратга тўлиб, жанга отланишди. Бу жангда Бобурнинг қўли балинд келди ва ниҳоятда кўп ўлжага эга бўлди. Кейин у маҳсус кишилари орқали Маҳдуми Хоразмийга ният тариқасиде бир мушт ашрафий (Тилла танга) юборди.

Шайх Маҳдум Хоразмий омонатни қабул қилди ва ҳозирги Самарқанд шаҳридаги ҳовлини сотиб олади. «Мифтоҳ толиб» даги воқеа шуни кўрсатадики, Маҳдуми Хоразмийнинг Мовароуннаҳр, Хуросон, Хиндистон ва бошқа мамлакатларда обрў-эътибори балинд эди.

Регистон майдони шарқиде жойлашган ушбу ҳовлида Хоразмий Маълум академикси бўлимини очиб, ўз фаолиятини давом эттиради. У одамларга илм бериш, хунар ўргатиш, кўзи оқизларга ҳам маънавий, ҳам жисмоний томонлама кўмаклашишни мақсад қилганди. Яна академия қошида

» Маданият ва санъат

Регистондан таралаётган наволар

Ўзбекистон кўп аслик санъат турларига бой замин. Шулардан энг қадимийси, шубҳасиз, миллий муסיқа санъатидир. Маълумки, муסיқанинг инсонга таъсири ва тарбиявий аҳамияти жуда катта. Шунинг учун муסיқага барча даврларда ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинган.

Абу Али ибн Сино «Ал-муҳоқил ила санъатал муסיқий» асариде «Муסיқа ҳаётбахш, олижаноб, ахлокий хусусиятларни ривожлантиради, у инсонга хизмат қилди. Унинг рухий ва ахлокий қиёфасини шакллантиради», деб ёзди. Бундан ташқари, тиббиётте оид «Китоб ан-Нажот», «Китоб аш-Шифо», «Донишнома» каби асарларида ҳам муסיқа назарияси ва амалий хусусиде ноёб фикрлари баён қилган. Шунингдек, XV – XVI асрда яшаб ижод этган Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари мақомчилик санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк назарийчи, истеъдодли олим Нажиддин Кавқобий ҳамда Бухорода яшаб ижод этган муסיқашунос аллома, моҳир созан-

Богот туман Аҳборот-кутубхона марказиде туман кўзи оқизлар кутубхонаси, туман маданият бўлими ҳамда 1-ва 30-мактаблар билан ҳамкорликда газал мулкнинг сўлтони Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан «Асрлар оша барҳаёт» мавзусиде адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоби, газал мулкнинг сўлтони Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигига бағишлаб «Навоий бўстонидан» ҳамда «Дунё эъзодигади шоир» номли китоб кўргазмалари ташкил этилди. Кечага китобхонлар, маданият бўлими санъаткорлари ҳамда мактаб ўқувчилари тақдир қилинди.

Тadbирни туман Аборот-кутубхона маркази директори М.Сабурова очиб, Навоий ижоди билан учун битмас-туганмас мерос экани, уни ўқиб-ўрганиш ҳар биримиз учун ҳам қара, ҳам фарзалигини таъкидлади. Шунингдек, туман кўзи оқизлар кутубхонаси мудираси З.Отажонова буюк мутафаккир Алишер Навоий нафақат шарқ халқларининг буюк мутафаккири, беназир шоири, балки барча даврлар ижодкори эканини, у қолдирган мактаб макон ва замон билмас, битмас-туганмас ҳазиналигини айтиб ўтди.

Шундан кейин мактаб ўқувчилари Навоий ижодидан намуналар ўқишди. Ёзувчи Иzzат Султон ва Уйғун

қаламига мансуб «Навоий» асаридан Гули монологи ижро этилди. Сўнгра Аҳборот-кутубхона маркази ходимлари Д.Собирова, Г.Ражабовалар Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб «Навоийнинг онаси» номли шеърни бадий талқинда, саҳна кўриниши тарзида тақдир қилишди.

Богот туман маданият бўлимига қарашли «Аму соҳили» халқ ҳаваскорлик жамоаси хонандалари Навоий газалларидан иборат қўшиқлар гуйдастасини ижро этишди.

З.Отажонова, Богот туман кўзи оқизлар кутубхонаси мудираси



мий мақолалар тўплами нашр этилди.

Албатта Маҳдуми Хоразмий музей-масжидини аввалги ҳолига келтириш учун катта меҳнат ва маблағ керак. Аммо шу орада кўнглини хира қиладиган яна бир муаммо туғилиб қолди. Юртбошимиз аждодлар меросини ўрганиш ва тиклаш, уларни асраб-авайлаб, кейинги авлодларга етказиш чакирғи билан чиқиб турган бир пайтда кимлардир бу қадимий, тарихий зиёратгоҳни аукцион орқали сотиб, ўрнига меҳмонхона қуриш ва пул ишлаш илинжиде юрибди. Шундай пайтда, бундайларга «Жаноблар, меҳмонхона қуриш учун сизга табарруқ кишилар масканидан бошқа жой топилай қолдимми?» дегинг келади. Ахир ҳар қадамда меҳмонхона, шахримизга келган сайёҳларни фақат меҳмонхона-ю емакхоналар эмас, тарихий ва қадимий зиёратгоҳлар ҳам қизиқтиради-ку?! Яхши ниятлар билан бошланган ишни шарафсизларча зайрон этиш инсофданми?

Нега энди дориломон кунларимизда Бобуршоҳдай буюк саркарда эҳтиром кўрсатган Маҳдуми Хоразмийнинг масжиди ва хонақоҳлари, қабр тошлари бошқа жойга кўчирилиши керак?

1983 йил Николай Романов даврида Маҳдуми Хоразмий мулки вақф қилинган. Шу ҳужжатда айтилганки, «Маҳдуми Хоразмийга тегишли ерлар, унинг авлодига, эрқамки, аёлми, жансидан қатъи назар шуларга тегишлидир, бу Регистондан Каландархонагача бўлган ерлар».

Моҳтўра Умаровнинг онаси Салтанатхон кўз қорачигидек сақлаб келган бу ҳужжатлар ҳозир ҳам бор. Улар жамғарма раҳбариятида сақланмоқда.

Бир даврлар бўлди, Мустабид тузумда Маҳдуми Хоразмий зиёратгоҳи ҳудудидеги кўп нарсә бузилиб, у ердаги қабртошлар ахлатхоналарга олиб бориб ташланди. Ўрнида болалар боғчиси очилди. Жамғарма жонқуярлари сазй-ҳаракатлари билан бу қабртошлар қайтадан жойига ўрнатилди.

Маҳдуми Хоразмий нафақат дин пешвоси, балки маънавият тарғибчиси, коми инсон тарбиячиси ҳамдир. Тарихий талон-торожлардан омон ўтиб келган Маҳдуми Хоразмий меросини авлодларга эсонликда етказиб бериш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Замон ўзгарди, одамлар ҳам. Лекин адолат барибир галаба қозонажак...

Ҳамида Каримова,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

масжид, хонақоҳ, мадраса, ҳўжралар, беморларни қабул қиладиган хоналар қурдирди. Шунингдек, катта боғ яратиб, ховуз қаздирди. Кейинчалик масжид атрофида маҳалла, тузар бунёд этилиб, у Маҳдуми Хоразмий гузари номини олди ва халитча шундай аталади.

Ана шу маҳалладаги хонадорлардан бириде Моҳитўра Турсунова дунёга келади. Унинг онаси Салтанат Бобохонова Хоразмий авлодидан. Салтанатхон биринчи турмушидан йигирма ёшида бева қолади ва Умар Турсунов билан оила қуради.

Салтанат пошша ўқимишли, истеъдодли, оқила аёл бўлган. Хоразмий шажарасини кўз қорачигидек сақлаб, шу кунларгача етказиб келган ҳам айнан удир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида аёл ўз фарзандлари қаториде ота-онасиз қолган кўп болаларга гамхўрлик қилиб, уларни боқиб учун кеча-кундуз ишлаган. Попурчилик, дўппидўзлик, жияк тикиш каби хунарлари орқали пул тоиб, етим-есирларнинг қорнини тўйдирган.

Маҳдумий Хоразмий жамғармаси раҳбари Моҳтўра ҳам онасининг хайри ишларини давом эттириб, музей қошида турли касб-хунар тўғрақларини очиб, ёшларга фаолият сирларини ўргатмоқда.

2002 йил авлодлар ташаббуси билан Маҳдуми Хоразмий жамғармаси тузилди.

Шайх Хусайн Хоразмийнинг «Рисолаи маъънази манзум» («Наъзий насихатлар рисоласи») асарини форс тилидан тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасанин таржима қилган.

Шунингдек, 2011 йил Самарқанд Давлат университетини илмий-техник кенгаши қарори билан «XV – XVI аср тасавуф намояндалари илмий меросининг маънавий-маърифий қадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти» номли ил-

да ва хонанда Дарवेशали Чангйининг мазкур мавзуда ёзган асарлари турли тилларга таржима қилиниб, бугунги кунда улардан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Шу ўринда муסיқий меросимизни асраб-авайлаш, тарғиб қилиш борасиде Самарқандда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўхталиш зарур. Жумладан, Регистон майдонига таширф буюрадиган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар Тиллакори мадрасасидеги хунармандлар кўргазмасиде ўзбек миллий чолғу асбобларига алоҳида эътибор қаратилганига гувоҳ бўлишди. Шунингдек, улар шу ерде муסיқа асбобларининг қандай ясалишини мониторлаб тўғридан-тўғри кузатишлари ҳам мумкин. Шердор мадрасасига таширф буюрган сайёҳ муסיқа асбобларининг қандай наво таратишини эшитишга муваффақ бўлишди.



Ўзбек муסיқаси тарихи, шаклланиш бошқичлари, чолғу асбоблари ва уларнинг ясаиш технологиясиде оид видеолаваха эса маълум маънода меҳмонларнинг бой маданий меросини миз ҳақиде янаде кенг маълумот олиштига хизмат қилмоқда. Назаримда, бу тизимни фақат Регистон ансамблида эмас, сайёҳлар таширф буюрадиган бошқа мажмуларда ҳам саҳналаштирилган кўринишлар тарзида ёки қандайдир муסיқий композиция шаклида йўлга қўйиш керак.

Дилноза ГАНИЕВА,
Регистон ансамбли гид-экскурсоводи

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ



2020 йил 19 март кун бошланғич нархи бошқичма-бошқич ўсиб бориш тартибидеги очик аукцион савдоларини ўтказида!

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Сайилгоҳ кўчаси 5-уйда жойлашган «INSON VA QONUN» ДУК балансидеги 2013Й. и/ч, д/р 01/040ТСА, бошланғич нархи 52 251 000 сўм бўлган «LACETTI» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

Талаборлардан буюртма-номаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтаилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи микдоридеги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филилидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кундан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдорини сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситаси юқорида белгиланган савдо куниде сотилманган тақдирда, у бўйича такрорий аукцион савдолари сотилгунга қадар навбатдаги хафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситасига қизиқиш билдирган талаборлар унинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин. Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳар Миробод тумани Амир Темур шох кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; телефақс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS_MCH@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

Тадбир

Икки даҳо ижоди



Жиззах вилояти Зомин туманидаги 12-бололар мусиқа ва санъат мактабида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Улуғ шоирларимиз ижодига бағишланган мазкур кечага Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабининг анъанавий ижрочилик бўлими ўқитувчилари Маҳкам Муртазакулов, Анвар Бердикулов, Содик

Очилов ҳамда Зомин туман ҳоқимлиги вакиллари, Навбахор маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ва ота-оналар таклиф этилди.

Тадбирда мактабининг анъанавий хонандалик ва чолғу ижрочилиги, бахшичилик, мусиқа назарияси, тасвирий санъат, хореография, амалий ҳамда театр санъати бўлимлари ўқитувчи ва ўқувчилари улуғ шоирларимизнинг газалларидан парчалар ўқиб, мумтоз куй-қўшиқлар ижро этишди.

Бахшичилик бўлими ўқитувчиси Руслан Курязов ижросида Навоий газалига Нишоти мухаммаси “Хуш соат”, Икромжон Зарипов эса Бобур қаламига мансуб “Яхшилик” радибли газалини ва Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабининг анъанавий ижрочилик бўлими ўқувчиси Замирахон Навоийнинг “Айлағач” газалларини маромига етказиб қуйлашди.

Ўрол Тожибоев, Зомин туман 12-БМСМ ўқитувчиси

Фестиваль

Ҳинд аҳлини мафтун этаётган ўзбек санъати



Хабар берганимиздек, жорий йилнинг 1-16 февраль кунлари Ҳиндистонда ўтказилган “Сураж Кунд Мела - 2020” халқаро ҳунармандлар фестивалида Бухоро вилояти делегация аъзолари фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, айни фестиваль доирасида вилоят Филармонияси ва “Бухоро мавжлари” рақс ансамбли вакиллари томонидан шаҳарнинг ўзига хослигини акс эттирувчи маданий чиқиш ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, фестиваль мобайнида шўх куй-қўшиқлар тараётган юртимиз павильони ўз атрофида кўп сонли муҳлислари томонидан шаҳарнинг ўзига хослигини акс эттирувчи маданий чиқиш ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, фестиваль мобайнида шўх куй-қўшиқлар тараётган юртимиз павильони ўз атрофида кўп сонли муҳлислари томонидан шаҳарнинг ўзига хослигини акс эттирувчи маданий чиқиш ташкил этилди.

Бухоро вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти Ахборот хизмати

Жонли мулоқот

Илм-фан ва таълимнинг ривожланиши



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги эндиликда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар имкониятини рағбатлантиришда. Илму маърифат ва меҳнат шахсни камолотга етказиши. Жумладан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев бошчилигида иқтидорли, илми талаба-ешларнинг илм-фан ва таълим интеграциялашуви, рақамли иқтисодиётни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш истиқболлари доирасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. “Саҳна нутқи” кафедраси ўқитувчиси Авазбек Шомуродов ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда институтнинг “Санъатда продюсерлик” таълим йўналиши 1-босқич талабалари 13 февраль кuni муҳташам “Халқлар дўстлиги” санъат саройига концерт дастурига ташриф буюришди. Талабаларга продюсерлик маҳорати, оммавий байрамлар ва тадбирларни ташкиллаштириш, декорация ишлари, овоз режиссураси, саҳна тузилиши, жонли томоша санъати, мусиқий безаклар сирларини ўрганишди. Шунингдек, Маданият вазири, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг продюсерлари Илёс Дадабоев, Ҳабибулло Музаффаров, “Халқлар дўстлиги” санъат саройи бош режиссёри Зокиржон Қаюмов, таниқли актёр, Давлат мукофоти совриндори Муҳаммадсо Абдулхайров билан жонли мулоқотлар бўлиб ўтди.

Бўлажак продюсерлар келгусида ўзбек санъатини янада ривожлантириш, халқаро майдонга олиб чиқиш йўлида ўз маҳоратларини намойиш этишади. Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда олий маълумотли мутахассис ешларнинг имконияти ва тажрибаси тараққийга улкан ҳисса қўшади.

Достонбек РАХМАТУЛЛАЕВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Матбуот котиби

Бахшичилик

Энг жозибали ва гўзал жанр

Авлоддан авлодга ўтиб, сайқаланиб келаётган бахшичилик санъати халқимиз маънавияти ва ҳақиқий салоҳиятини намоён этувчи ёрқин кўзгудир. Миллий маданиятимизнинг туб илдизи, жон томири ҳам бахшичилик санъати бўлиб, у давр мураккабликлари энгилб ўтиб, ўзининг гўзал шакли, содда ва теран мазмуни, чуқур моҳияти билан умрбоқийлик касб этган. Ушбу қадимий санъат тури халқ бадий ижодиётининг энг жозибали ва гўзал жанри, шу билан бирга миллатимизнинг турмуш тарзи ва дунёқарашини ифода этадиган азалий қадриятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси” ижросини таъминлаш мақсадида Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти билан ҳамкорликда жорий йилнинг 13 февраль кuni самарқандлик бахши-шоир Шавкат Бобомуродов билан ижодий учрашув ташкил этди.

Шавкат Бобомуродов 20 йил мобайнида буюк бобомиз, етук саркарда Амир Темурининг ҳаётини ўрганиб, “Соҳибқирон Темурибек” номли дostonни яратди. Ижодкор учрашувда бу асарини 2019 йил 5 - 10 апрель кунлари Термиз шаҳрида ўтказилган “Халқаро бах-

шичилик санъати” фестивали туртки бўлганлигини ҳамда бахшичилик санъатига берилётган эътибор, муҳтарам юртбошимиз томонидан амалга оширилётган улкан ислохотлар ҳақида тўққинлашиб гапирди. Шунингдек, ўз терма дostonларидан парчалар ижро этиб, барчанинг кўнгилни шод этди. “Соҳибқирон Темурибек” дostonи буюк бобоклонимизнинг ҳарбий юришлари, шахсий ҳаёти, умри давомида амалга оширган ислохотлари ҳақида ҳикоя қилади. Мазкур асар ешларимизни ватанпарварлик, она юртга садоқат, оила ва дўстларга муҳаббат туйғуларини остида қамол топтиришида муҳим ўрин тутади. Бахшичилик санъатини тарғиб қилишни давом эттириш мақсадида 15 февраль кuni Тошкент давлат юридик университети ва Ислам Академиясида ҳам худди шундай ижодий учрашувлар ўтказилди.

Ўзини дунё халқига адолатли ҳукмдор сифатида кўрсата олган, асллар оша тилларда қолган, бутун туркий қавмларнинг, қолаверса, Осиё фари булган, Оврупо халоскори, инсоний тарихида учинчи Соҳибқирон дея тан олинган зот - буюк жаҳонгир Амир Темурибек ҳақидаги “Соҳибқирон Темурибек” номли дoston нафақат бахши-оқинлар, балки кенг омма учун халқ оғзаки ижоди анъаналари услубида яратилгани билан аҳамиятлидир. Негаки, бутунгача Амир



Темурибек ҳақида бу услубда бирорта ҳам асар яратилмаган.

Бахши-шоир Шавкат Бобомурод 1976 йил 27 майда Самарқанд вилояти Нуробод тумани Галлакор қишлоғида туғилган ва ҳудуддаги 26-мактабда ўқиган. У 10 ёшидан шеърлар ёза бошлаган. Кўп йиллар чўпонлик касби билан шугулланган, лекин доим ижоддан бошини кўтармаган. Шу кунгача бахши-шоирнинг “Кел дўмбирам, юртим мадҳин қуйлайлик”, “Онажонгинам”, “Яна баҳор келади”, “Дардларим шеърда қолди” каби китоблари нашрдан чиққан.

Бахши-шоирлар билан бундай ижодий учрашувларни кўпайтириш ешларга маънавий ва маданий озуқа бўлади. Келгусида республикамизнинг барча олийгоҳларида таниқли бахши-шоирлар билан ижодий учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиш режалаштирилган.

Мўминмирзо Холмўминов, Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази бош мутахассиси

Келажак ниҳоллари

Президент мактабидagi мулоқот

дек, “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси ходимлари иштирок этди.

Маъруза ва мулоқотлар илм-маърифат, моддий ва номоддий мерос ҳамда қадриятларимизни эъзозлаш, китобхоналик мавзусида бўлди. Ўқувчилар томонидан шеърлар ўқилиб, қўшиқлар ижро этилди.

Мактаб кутубхонасига музей-қўриқхона ҳомийлигида нашр этилган китоблар соғва қилинди.

Отабек Исмоилов, “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси матбуот котиби



2020 - Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили Давлат дастури ҳамда 5 та муҳим ташаббус доирасида жойларда тадбирлар давом этмоқда. Ана шундай маънавий-маърифий тадбир 12 февраль кuni Хива шаҳридаги Президент мактабида бўлиб ўтди.

Унда олимлар, ижодкорлар, маданият муассасалари, шунинг-

<p>МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: 285</p> <p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ</p> <p>Бош муҳаррир Дилбахор Худойбердиева</p> <p>Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p> <p>Газета ҳафтанинг пайшанба кuni чоп этилади.</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.</p>	<p>Нашр учун масъул: Ш.Исроилова</p> <p>Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева</p> <p>Навбатчи: Н. Содиқова</p> <p>Адади - 8512 Буюртма - Г - 227</p> <p>Сотувда келишилган нарҳда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ</p>	<p>Газета “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 22.30</p> <p>Топшириди - 22.30</p> <p>1 2 3 4 6</p>
	<p>Таҳририятга келган қўлэмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин.</p> <p>«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>		